

## I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАХСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-декабрида Тошкент шаҳрини ишлаб чиқарилган ялпи худудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 53287,1 млрд.сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан ўсиш суръати 108,1 фоизга teng бўлди.

### Январь-декабрь ойлари учун иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ишлаб чиқариш

	млрд.сўм		2017 йил январь-декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
	2017 йил	2018 йил	

I. Ялпи худудий маҳсулот, жами 40720,4 53287,1 108,1

шу жумладан:

Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати 36451,1 47912,2 108,1

Маҳсулотларга соғ солиқлар 4269,3 5374,9 108,2

II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати 36451,1 47912,2 108,1

Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) 14812,1 21248,4 107,0

Саноат 12079,9 17389,5 106,2

Курилиш 2732,2 3858,9 110,6

Хизматлар 21639,0 26663,8 108,8


Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 7065,6 8794,0 105,1

Ташиб ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари 5967,1 7237,0 114,6


Бошқа хизматлар 8606,3 10632,8 107,9

Тошкент шахри иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, саноат тармоғининг ўсиш сурати – 106,2 % (ЯҲМ таркибидаги улуши-36,3 %), қурилиш – 110,6 % (8,1 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 105,1 % (18,4 %), ташиб ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 114,6 % (15,1 %) ва хизмат қўрсатувчи бошқа тармоқлар – 107,9 % (22,1 %) ни ташкил этди.

**ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари, фоизда  
(2018 йил январь-декабрь ойларида)**




**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби  
январь-декабрь ойларига  
(жамига нисбатан фоизда)**




2018 йил январь-декабрь ойлари давомида Тошкент шаҳри бўйича савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ялпи худудий маҳсулот таркибидаги улуши 18,4 % ни (2017 йил январь-декабрда 19,4 %), ташиб ва сақлаш, ахборот ва алоқа соҳасида ялпи худудий маҳсулот таркибидаги 15,1 % ни (2017 йил январь-декабрда 16,4 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар соҳасида ялпи худудий маҳсулот таркибидаги 22,1 % ни (2017 йил январь-декабрда 23,6 %) ташкил этди.

**Ялпи худудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби,  
январ-декабр ойларида  
(жамига нисбатан фоизда)**

**2017 йил**



**2018 йил**



- Махсулотларга соғ солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Тошкент шаҳрииқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ялпи худудий маҳсулотнинг 89,6 % ини, маҳсулотларга соғ солиқлар эса, 10,1 % ини ташкил этди.

Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғи ялпи худудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши ҳисобот йилида 44,4 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ялпи худудий маҳсулотнинг таркибидаги улуши эса 55,6 % ни ташкил этди.